

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов	
Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили).....	84

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Н.Йўлдошев	
Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари	88
Г.Эрназарова	
Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида).....	94
С.Жумаева	
Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари.....	98
Х.Жўраев, С.Хўжаев	
Образ, бадиий-фалсафий ният ва ғоявийлик.....	102
А.Тўйчиев	
Нурали Қобул ижодига умумий назар	106

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Искандарова, Ш.Ганиева	
Тил илмининг етук дарғаси	110
А.Мамажонов, А.Абдуллаев	
Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида	114
Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова	
“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи	119
Н.Умарова	
Навоий асарларида “сўз” концепти	126
И.Мадраҳимов	
Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси	130
Д.Мадазизова	
Сленг ва унга ёндош ҳодисалар	134
А.Саминов	
Антитета ва оксюморон усусларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Н.Ўринова	
Ижтимоий-психологик тренинглар ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида	142
Ш.Бойханов	
Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги	147
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши	151

ИЛМИЙ АХБОРОТ

С.Муртазова	
XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожи ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан.....	154
Н.Комилов	
Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида)	157
М.Болтабоев	
Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи	161
С.Юлдашев	
VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши	164

Лекин бу таклифлар фақат қоғозда, амалда жорий этилмасдан қолиб кетганди.

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё вилоятида нефт, кимё ва пахта тозалаш саноат корхоналарининг аҳоли яшаш ҳудудларида қурилиши, нафақат вилоятда, балки республика ҳудудларидаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлганди. Саноат корхоналарининг чиқинди сувлари аҳоли ичимлик сувларига салбий таъсир этди. Шу билан бирга, саноат корхоналарнинг

чиқиндилари атмосфера ҳавоси, ичимлик сувлар ва тупроқдаги табиийликнинг йўқолиб боришига таъсир этганди. Атроф-муҳитнинг саноат корхона чиқиндиларидан зарарланиши аҳоли орасида турли касалликларнинг кўпайиши, аҳоли ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг юзага келишида собиқ Иттилоқнинг ўлкага фақат ишлаб чиқариш маркази сифатида қараб келганилиги кўриниб қолди.

Адабиётлар:

1. Чембарисов Э., Мирзакобулов Ж. Гидроэкологический мониторинг качества речных вод бассейна реки Амудары в пределах Узбекистана// Экология и строительство | № 1, 2019.; Холбаев Б, Суннатов З. Оценка и изучение геоморфологического строения нижней части Кашкадарьинской области // Наука о земле. 2019. № 2.; Карабекова Д., Асылбаева Ш. Моногенеи горных рыб рек Средней Азии // Universum: Химия и биология . 2016. № 5 (23) . –С. URL: <http://7universum.com/ru/nature/archive/item/3159>; Мухаммадиев М., Насрулин А. Использование методики гидроэкологического мониторинга при анализе гидроэнергетических и ирригационных сооружений Узбекистана // Экология и строительство, № 3, 2017.
 2. Frank Adolph Ecker. Transition in Asia. Uzbekistan under the Soviets. Washington. 1954.
 3. Салимов Д., Шаповаленко В., Тетенева Л. История рабочего класса Узбекистана. Том II. –Т.: Наука. 1965.
 4. Чариров А, Ачилов М. Кашкадарьинская область. –Т.: Узбекистан, 1974.
 5. Аҳмедов Э, Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
 6. Чариров А, Ачилов М. Кашкадарьинская область. –Т.: Узбекистан, 1974.
 7. Чариров А, Ачилов М. Кашкадарьинская область. –Т.: Узбекистан, 1974.
 8. ЎзР МДА фонд-2760, жилд-21, иш-66, варақ-199.
 9. Чариров А., Ачилов М. Кашкадарьинская область. –Т.: Узбекистан, 1974.
 10. Давлетов С. Ўзбекистонда экологик ҳаффиизликнинг миллий омиллари// Ўзбекистон тарихи. –Т.: 2016.
- № 2.
11. ЎзР МДА фонд-2757, жилд-1, иш-1220, варақ-97
 12. ЎзР МДА фонд-2757, жилд-1, иш-1220, варақ-98
 13. ЎзР МДА фонд-1927, жилд-9, иш-1626, варақ-3
 14. ЎзР МДА фонд-2742, жилд-1, иш-341, варақ-33
 15. ЎзР МДА фонд-2742, жилд-1, иш-341, варақ-8
 16. ЎзР МДА фонд-2742, жилд-1, иш-341, варақ-8
 17. ЎзР МДА фонд-2742, жилд-1, иш-341, варақ-18
 18. ЎзР МДА фонд-2742, жилд-1, иш-341, варақ-18
 19. Аҳмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
 20. Чембарисов Э., Мирзакобулов Ж. и другие . Гидроэкологический мониторинг качества речных вод бассейна реки Амудары в пределах Узбекистана. Поступила 25.01.2019 г. / Экология и строительство. -№ 1. - 2019.
 21. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советида “Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштириши ривожлантириш тўғрисида”ги қарори// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Т., 1967. -№ 7.
 22. Хушвақтов Ҳ. Қарши чўлининг ўзлаштирилиши жараённида меҳнат ресурсларининг шакллантирилиши // Ўзбекистон тарихи, 2012. - № 3-4.
 23. Саидов А. Она табиатни асрایмиз. –Т.: Фан, 1986.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).

ТАРИХ

УДК: 93/99+502.77

**ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА СУҒДЛАР (СИМБИОЗ ВА АССИМИЛЯЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ:
ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ)**

**ТЮРКСКИЙ КАГАНАТ И СОГДИЙЦЫ (ПРОЦЕССЫ СИМБИОЗА И АССИМИЛЯЦИИ:
ИСТОРИКОВЕДЧЕСКИЙ АНАЛИЗ)**

**TURKISH KHANATE AND SOGDIANS (SYMBIOSIS AND ASSIMILATION PROCESSES:
HISTORICAL ANALYSIS)**

Н.Бувақов¹

¹ Н.Бувақов

— ЎзРФА, Тарих институти II босқич таянч докторанти

Аннотация

Мақолада V-VI асрларда Ўрта Осиёда юз берган турк-суғд қабилаларининг ўзаро яқинлашуве жараёни ёритиб берилган. Ушбу жараён турли хитой, суғд ва турк-рун ёдгорликларида турли ҳужжатлар кўринишида сақланиб қолган. Ушбу симбиоз жараёни ўлка ҳалқларини этногенезизда муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, қабилаларнинг тил, маданият ва дин идентиклигини шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган. Муаллиф маълумотларни асосан ушбу даврга тегишили ёдгорликларни ўрганган тадқиқотчилар асарларидан олган ва таҳлил қилган.

Annotation

В статье описывается процесс сближения тюрко-согдийских племен в Средней Азии в V-VI вв. Этот процесс сохранился в виде различных документов на различных китайских, согдийских и турецко-рунических памятниках. Данный процесс симбиоза сыграл важную роль в этногенезе народов региона и сыграл важную роль в формировании языковой, культурной и религиозной самобытности племен. Автор получил и проанализировал данные в основном из работ исследователей, изучавших памятники, относящиеся к этому периоду.

Annotation

This article describes the process of rapprochement of the Turkic-Sogdian tribes in Central Asia in the V-VI centuries. This process has been preserved in the form of various documents on various Chinese, Sogdian and Turkish-runic monuments. This process of symbiosis played an important role in the ethnogenesis of the peoples of the region and played an important role in the formation of the linguistic, cultural and religious identity of the tribes. The author received and analyzed the data mainly from the work of researchers studying monuments belonging to this period.

Таянч сўз ва иборалар: Ўрта Осиё, турклар, суғдлар, турк-суғд симбиози, турк-рун битиктошлари, хитой солномалари, Турк хоқонлиги.

Ключевые слова и выражения: Средняя Азия, тюроки, согдийцы, турецко-согдийский симбиоз, тюрко-рунические надписи, китайские хроники, Тюркский каганат.

Keywords and expressions: Central Asia, Turks, Sogdians, Turkish-Sogdian symbiosis, Turkic-runic inscriptions, Chinese chronicles, Turkic Kaganate.

Марказий Осиё ўз географик жойлашувига кўра Евросиё минтақасининг азалий цивилизацион жараёнлар кесишадиган энг қулай ҳудуди ҳисобланади. Айнан шу ҳудуддан Буюк Ипак йўлининг ўтиши ҳам тасодифий ҳол эмас эди. Буюк Ипак йўли турли цивилизацияларо маданий уйғунликни вужудга келтиради. Қадимдан то XII асрга қадар Марказий Осиёда бир неча этнослар муҳим ўрин тутган. Ушбу этнослар ўртасида кечган сиёсий, ижтимоий ва маданий муносабатлар орасида турк ва суғд этнослараро муносабатлари кейинги асрлардаги этник шаклланишларга ҳам кучли таъсир кўрсатган. Тадқиқотчилар тарихда милоддан аввалги IV - III асрлардаёқ

суғдларнинг хитойлар ва прототурк қабилалари билан муносабатларга кириша бошлаганликларини таъкидлайдилар [2]. Деярли бир ярим минг йиллик тарихий давр ичida суғдлар ва турклар бир минтақада яшаб ўзаро ҳамкорлик қилганлар. Қиёсий типологик таҳлил суғд ва туркларнинг жамиятлари деярли тенгдош эканлигини кўрсатмоқда [5]. Бу ҳолат этник муносабатлар учун муҳим ҳисобланган. Ҳақли равишда VI – VIII Марказий Осиё “турк-суғд” даври номини олди. Минтақада ягона тарихий маданий макон [4] вужудга келди. Айнан шу давр турк-суғд симбиози даври сифатида баҳоланади. Бу жараён Марказий Осиёнинг деярли барча тарихий географик ўлкаларида кечган.

Жумладан, бизнинг минтақа учун академик К. Шониёзов таъкидлаганидек, милоддан аввалги II-I асрларда воҳаларда дехқон, хунарманд ва савдогар аҳоли билан шу ҳудудга кириб келган чорвадор этник қатлам маданияти аралашиб, ўзига хос синкетик – маданият ҳосил қилган [19]. Ушбу мақолада муаллиф ўзаро уйғунлашув жараёнларига тарихий манбашунослик нуқтаи-назаридан баҳо бериб ўтишга ҳаракат қиласди. Мақолада қиёсий манбашунослик усулидан фойдаланилди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё минтақаси ҳалқлари тарихида илк ўрта асрлар нафақат этник юксалиш, балки давлатчилик анъаналарини ривожланиши даври ҳам ҳисобланади. Турк ҳоқонлигининг қарор топиши эса барча соҳаларда ривожланиш ва тараққиёт учун омил бўлди. Ҳоқонлик қарор топгунга қадар ҳам суғдларнинг улар ҳаётига кириб келиши кузатилгани маълум маънода ҳоқонликнинг маъмурӣ-бошқарувига замин яратган. Ўтроқ суғдларнинг ҳар томонлама маслаҳатлари ва кўмаклари туркларнинг давлатчилигини шакилланишига таъсир ўтказган. Суғд савдо колониялари – шаҳар давлатлар тизими кўплаб кўчманчиларнинг ўтроқлашувига, ярим ўтроқ ва кўчманчиларнинг эса шаҳарсозлиги ривожига асос бўлиб хизмат қилди. Суғдларнинг туркларни ҳам бежиз эмас эди. Ўзаро интеграция ассимляцияшув учун имкон яратди. Кўп сонли турклар орасида суғд диаспоралари бу жараёндан манфаатдор ҳам эдилар. Натижада суғдлар орасида “Эркин, Тудун, Тегин, Баҳодир, Тархон, Ўзмиш” каби туркий исм ва унвонлар тарқала бошлади [18].

Ушбу фикрларни ҳозирги Мўғалистон ҳудудидан топилган кўплаб суғдий ва туркий-рун ёзма ёдгорликлари тасдиқлайди. VI – IX аср ҳудудимиздаги туркий давлатларда суғд тили ва ёзувининг ўрни бекиёсдир. Суғд ёзуви таъсирида қадимги турк (руний) ва уйғур ёзуви шаклланди [7].

Суғд тилининг Турк ҳоқонлигига расмий тиллардан бири бўлганлиги, эпиграфик ёдгорликлардан бири 581 – 587 йиллар орасида битилганлиги тахмин қилинган “Буғут ёдномаси ёки Турк ҳоқонлигининг расмий баёни”да ўз аксини топган [11]. Ушбу ёдгорлик ҳоқонлик ҳукмдорларидан Махан-тегин шарафига суғд тилида битилган.

Иккинчи ёдгорлик Гоби чўли жанубидаги Севрей қоясига битилган бўлиб, икки тилда турк ва суғд тилларида ёзилган. Маълумот 762 йилда уйғур ҳоқони Бегё

ҳоқон – Инги Янглакарнинг Хитойга муваффақиятли юриши ҳақида ҳикоя қиласди [12].

Кейинги ёдгорлик IX аср бошига оид Қораболғасун битиги бўлиб, унга қадимги туркрун, суғд ва хитой тилида матнлар чекилган. Битиктошда 808-821 йиллар ҳукмронлик қилган уйғур ҳоқони Алп-билга номи зикр этилган воқеалар акс этган.

Бошқа бир ёдгорлик Мўғалистоннинг шимоли-ғарбидағи Тайхир-чулун қоясига қора ранг билан ёзилган туркча ва суғдча исмлардир. Тадқиқотчилар уни чопарлар ва келиб-кетувчилар рўйхати бўлса керак деб ҳисоблайди. Ёдгорлик VIII – IX асрларга оид деб тахмин қилинади [13].

Юқоридагилардан ташқари суғд ва турклар ўртасида диний ҳамжамоалик муҳити ҳам мавжуд бўлганлигини кузатамиз. Жумладан, суғд буддавий ёдгорлиги “Важраҷҳедика” асари турк ёки турклашган суғд Қутлуғ исмли котиб томонидан суғд тилида ёзилган. Шу ўринда айтиш мумкинки, суғдлар нафақат шарқда савдо-тижорат ишлари билан машғул бўлганлар, балки Марказий Осиё шарқида буддавийлик, монийлик ва насронийлик каби динларни тарқалишида турклар, хитойлар, мўғуллар орасида ёйилишида миссионерлик вазифаларини ҳам бажарганлар [1]. Бир вақтнинг ўзида баъзи жамоалар ўз азалий динлари зардуштийликка бўлган эътиқодларини ҳам сақлаб қолганлар [8]. Эҳтимолки, туркларни суғдлар тангричилик динини ҳам қабул қиласди.

Турк ҳоқонлиги қарор топгунга қадар Ипак йўли бўйлаб жойлашган суғд шаҳар ва манзилгоҳлари V-VI асрларга келиб, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Гансуда нафақат савдо, балки хунарманд-зироаткорлик марказларига айланиб, минтақанинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва мағкуравий ҳаётида етакчи рол ўйнаган дейишга асослнимиз. Турк ҳоқонлигининг ташкил топиши эса, бу жараённи янада такомиллаштириди. Суғдлар эндилиқда Турк ҳоқонлари саройларида муҳим лавозимларни эгаллай бошлаганлар. Турк ва суғдлар ўртасидаги иттифоқчилик Турк ҳоқонлигига путур етказмоқчи бўлган хитойларни манфатига мос тушмас эди. Хитой жосуси 607 йилда ўз императорига шундай мазмунда нома юборган: “Турклар ўзларича соддадил ва калтабинлар ва улар орасига нифоқ солиш мумкин. Афсуски, улар орасида кўплаб суғдлар яшайди, ўшалар айёр ва

ТАРИХ

хийлагардурлар. Улар туркларни ўргатадилар ва йўналтирадилар” [9].

Суфлар ва уларнинг Турк хоқонлигидаги тақдирлари ҳақида турк-руний битиклари ҳам бирканча маълумотлар қолдирганлар. Турк хоқонлиги 603 йилда иккига Шарқий ва Фарбий қисмга бўлингач, суфлар ҳам турклар каби хитойлар асоратига туша бошлаганлар. Жумладан, Тўнюқуқ битиктоши ёдгорлиги Иккинчи Турк хоқонлигига асос соглан Элтариш (асли исми Қутлуғ, хитой манбаларида Гудулу) хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркарда Тунюқуқ бағишланиб, 712–716 йиллар орасида Улан Батордан 66 км жануби-шарқдаги Байн Сокто манзилидан топилган. Унинг 45–46 қаторида “Инал хоқонга араб, тухор ҳужум қилди. Ўшанда ажраладиган чоки бор дубулға кийган суғдоқ бўйун (халқи) ҳаммаси келди. Ўша куни ҳужум бўлди. Турк халқи Темур қапигқа (дарвазага)ча, тинси ўғлон ётадиган тоққа етди” [17] дейилади. Ушбу сатрлар мазмuni суфлар келиб турк қўшинларига қўшилгач, улар араб ва тоҳарларни Темир дарвозагача чекинтирганлиги аён бўлади.

Бошқа бир ёдгорлик Билга хоқон битиктоши бўлиб, бу битиктош Элтариш хоқоннинг ўғли, Култегиннинг акаси Билга хоқон (хитой манбаларида асл исми Мўғолон) шарафига 735 йилда қўйилган. Битиктош Мўгулистоннинг Кошо Сайдам водийсидаги Кўкшин Урхун дарёси қирғоғидан, Улан-Батордан 400 км жанубдан Култегин битиктошидан 1 км жануби-ғарбда ўрнатилган. Унинг 24–25 қаторларида “Ўн саккиз ёшимда олти жуфт (чуб) сўғдак томонга қўшин тортдим, халқни ўшанда тўзитдим. Табғач (Хитой)дан ўнг тутук, беши минг лашкар келди. Идар бошида урушдик, у лашкарни ўшанда ўйқ қилдик”, дейилади[15].

Маълумки, Хитойлар Шарқий Турк хоқонлиги заифлашгач, 630 йилдан хоқонлик ҳудудидаги кўплаб суфларни ўз томонларига кўчириб кетганлар ёки у ердаги суфларга савдо-сотиқ учун оғир шартлар қўйганлар. Хитой тарихчиси Хоу жен-ҷи Хитой сиёсатини қисқа қилиб: “Ўлпон йўқ – савдо йўқ, ўлпон бор мукофот ҳам бор” деб баён этган[10]. Суфлар Хитой саройига ипак матолар билан ўлпон тўлашган[9]. 691 йил Турк хоқонлиги қайта оёққа тургач, Қапағон хоқон Буюк Хитой деворининг нариги томонига олиб кетилган суфларнинг авлодларини Тан саройидан қайтарилишини талаб қиласди ва бунга эришади[14]. Чунки

Тан императори турклар билан чегара ҳудудларга олтита суфлар округини ташкил қиласган эди[17].

Билга хоқон битигида айнан шу олти суф вилоятини хитойлар асоратидан қутқарилиши ҳақида гап боради. Култегин битиктошидаги 52-қаторда “Гарбда кун ботишдаги Суғд муҳожирлари” ҳақидаги маълумот ҳам қизиқарлидир.

Хитой манбалари ҳам суфлар ва уларнинг минтақадаги ўрни ҳақида кўплаб маълумотлар беради. Хитой муаррихлари суфларнинг минтақадаги иштирокига юқори баҳо берганлар. Ли Минвей ёзади: “Маълум даражада ўзига хос мустақил ёки ярим мустақил бўлган Хесида доимо тинчлик барқарор эди. Шу боисдан суғд савдоғарлари бу ерда узоқ яшаб қолганлар. Маҳаллий бозорлар ҳам уларнинг манфаатларига маъқул келган”. Бу ердаги суфлар турли мамлакатлардан келтирилган молларни Марказий Хитой бозорларига етказганлар. Бошқа бир хитой тарихчилари Ванг Ченчя, Гуан Лянжи кабилар “милоддан аввалги В асрдан то милодий X асргacha бўлган таҳминан 1500 йиллик давр давомида суғдийлар Ипак ўёли орқали олиб борилган алоқаларнинг ривожига бекиёс ҳисса қўшганлар”, деб ёзадилар. Шу каби маълумотларга асосланган Э.Г. Пуллейбленк “улар (суфлар) нафақат моҳир савдоғар, балки мусавиер, ҳунарманд ва янги дин тарғиботчиси эдилар. Суғлар Марказий Осиёга Ипак ўёли бўйлаб ўрнашдилар, кўчманчилар орасига кириб бордилар. Шулардан бири суфларнинг туркларга сивилизацион таъсири маълумдир”[6], деб, таъриф берганди.

Хитой манбалари айнан турк-суф муносабатлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар қолдирганлар. Келиб чиқиши Ан (Бухоро)дан бўлган Гунсулик суғд Аннопанто (Наҳбанд) Биринчи Турк хоқони Бумин ўрдасининг энг ишончли шахсларидан бўлган. У 545 йилда Хитойга элчи бўлиб борган. Суфлар хоқонликнинг қарор топиши, идоравий бошқарувининг шаклланиши ва иқтисодий юксалишида ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бу жараён илдизлари узоқ йиллик симбиоз – ҳамюртлик, ўзаро яқинлик, умумий манфаатдорлик сиёсий иттифоқчилик маҳсулни эди.

Хоқонлик ҳудудидаги суғд манзилгоҳлари оқсоқоллари хоқон томонидан элтабар – йирик вассал қабила раҳнамоси унвонига эга бўлганлар. Аста-секин суғд муҳожирлари